

“KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati кейинги уринларда «Сугурталовчи» номидан **Ишончнома** асосида харакат килувчи “KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” AJ нинг Жиззах вилоят филиали Жиззах шаҳар сугурта булими бошлиги. **Б.Мухторов** тимсолида бир тарафдан **“ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ УРМОН ХУЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИ ”** уринларда, «Сугурта килдирувчи» Низом асосида харакат килувчи тимсолида **ХОЛМАТОВ.А.Т** иккинчи тарафдан куйидаги шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар хаёти, соглиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг урнини коплаш буйича фукаролик жавобгарлиги конун хужжатларида мувофик юзага келиши билан боглик булган мулкый манфаатлари мажбурий сугурта объектидир.

1.2. Ушбу шартномага киритилмаган шартлар буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарорига илова килинган қоидаларга амал қилинади.

2. СУГУРТА ХОДИСАСИ

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг хаёти, соглиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган сугурта килдирувчининг сугурта товонини амалга оширишига сабаб буладиган зарар буйича жавобгарлиги сугурта қилинган, сугурта килдирувчи ёки бошқа шахснинг фукаролик жавобгарлигининг юзага келиши сугурта ходисаси ҳисобланади.

3. ИСТИСНОЛАР

3.1. Куйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фукаролик жавобгарлигининг юзага келиши сугурта ходисаси ҳисобланмайди:

3.1.1. Мажбурий сугурта буйича сугурта полисида курсатмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;

3.1.2. Маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг урнини коплаш буйича мажбуриятнинг юзага келиши;

3.1.3. Транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки укув хайдови давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;

3.1.4. Атроф мухитнинг ифдосланиши;

3.1.5. Ташилаётган юк таъсирида зарар етказиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий сугуртанинг тегишли тури тугрисидаги конун хужжатларига мувофик мажбурий сугурта қилиниши керак булса;

3.1.6. Ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг хаёти ёки соглигига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий сугуртанинг тегишли тури тугрисидаги конун хужжатларига мувофик қонланиши лозим булса;

3.1.7. Хайдовчининг узи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга урнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;

3.1.8. Юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси булган қорхона, муассаса ёки ташкилот хуҳудида харакатланганида зарар етказилганлиги;

3.1.9. Нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металлдан ишланган буюмлар, диний қадриятлар эга буюмлар, санъат асарлари, қулъзмалар, ноёб аудиовизуал асарларига ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа махсулларига, қимматли қозғалар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йук қилинганлиги;

3.1.10. Жабрланувчиларнинг сугурта ходисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган хати-харакатлари натижасида етказилган зарар;

3.2. 3.1 бандида курсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фукаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг урни улар томонидан конун хужжатларига мувофик қопланиши керак.

4. СУГУРТА СУММАСИ, СУГУРТА МУКОФОТИ

4.1. Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлиги буйича сугурта товони хар бир транспорт воситаси учун 3000 АҚШ доллари эквивалентига тенг булган суммада белгиланади. Улардан:

А) Жабрланувчи мол-мулкига етказилган зарар учун-сугурта суммасидан 35 фоизгача;

В) Жабрланувчи хаёти ёки соглигига етказилган зарар учун-сугурта суммасидан 65 фоизгача.

4.2. Сугурталанаётган транспорт воситасининг сони **1 (дона)**.

4.3. Сугурта шартномаси буйича умумий сугурта суммаси **3000 АҚШ** доллари эквивалентида.

4.4. Хар бир транспорт воситаси учун сугурта суммаси сугурта полисида, миллий валютада сугурта мукофоти туланадиган Узбекистон Республикаси Марказий Банки курси буйича белгиланади.

4.5. Сугурта мукофоти буйича ҳисоб-китоблар хар бир транспорт воситалари учун **УзР ВМ**нинг 2008 йил 24 июндаги 141 сонли қарори билан тасдиқланган транспорт воситалари эгаларининг фукаролик мажбуриятлари сугуртаси қоидалари асосида амалга оширилади.

4.6. Ушбу шартномага тақдим этилган ариза-анкеталар асосида умумий сугурта мукофоти **120 000** сўм.

4.7. Агар мажбурий сугурта шартномаси амалда булган даврда сугурталовчи жабрланувчига сугурта товони туласа, у ҳолда сугурта килдирувчи сугурталовчидан сугурта товони тулаганлиги тугрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафта муддатда туланган сугурта товони суммаси ва мажбурий сугурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қушимча сугурта мукофотини тулайди.

5. СУГУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ

5.1. Ушбу мажбурий сугурта шартномаси сугурта мукофоти тулангандан сунг қучга қиради. Шартнома муддати сугурта полисида курсатилади.

5.2. Сугурта полиси ва махсус давлат белгиси сугурта мукофоти тулангандан сунг тақдим этилади.

5.3. Шартнома Газначилик бошқармасидан руйхатдан утгандан сунг қучга қиради.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. Сугурта килдирувчининг мажбуриятлари:

6.1.1. Сугурта мукофотини ушбу шартноманинг 4.5. бандига асосан тулаб бериши.

6.1.2. Ходимларни (хайдовчиларни) ЙТХ содир булганда ДЙХХБ ходимларини қутиши ва жабрланувчи (унинг меросхури ёки ҳуқуқий вориси)га мажбурий сугурта полиси нусхасини тақдим этишлик тугрисида огоҳлантириши.

6.1.3. Сугурта ходисаси содир булганда:

-ЙТХ содир булганда кечиктирмасдан узоғи билан 72 соат ичида ёзма равишда сугурта полиси нусхаси билан сугурталовчини сугурта ходисаси тугрисида УзР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори б-илловасига мувофик хабардор этиш.

Хисобидан қопласа, сугурта килдирувчи етказган зарарнинг урнини коплаш тартибида узи амалга оширган туловларни тасдиқловчи хужжатларни тақдим этгандан сунг сугурта товонини олиши мумкин.

6.3. Сугурталовчининг мажбуриятлари: 6.3.1. Жабранувчига (унинг меросхурига ёки хукукий ворисига) ёки сугурта килдирувчига (агар сугурта товони уз хисобидан амалга оширган булса) шартномада курсатилган холларда сугурта товонини тулаш тугрисидаги қарори қабул бўлади.

6.3.2. Сугурта полиси ва махсус давлат белгиси йукотиб қуйилган тақдирда унинг дубликатларини тақдим этиш. Дубликатлар сугурталовчи томонидан сугурта килдирувчи мурожаат қилган ва у дубликатларни тайёрлаш буйича харажатларни тулаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

6.4. Сугурталовчининг ҳуқуқлари:

6.4.1. Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини қўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар ушбу шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилган мол-мулкни таъминлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш сугурта ходисасининг мавжудлигини ва мажбурий сугурта шартномаси буйича урни қопланиши лозим булган зарарнинг миқдорини тугри аниқлаш имконини бермаса, сугурталовчи жабранувчига (унинг меросхурига ёки хукукий ворисига) сугурта туловини ёки бир қисмини тулашни рад этишга ҳақли.

7. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТУЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Сугурта товони етказилган зарар миқдоридан, лекин сугурта пулидан ошмаган миқдорда сугурталовчи томонидан бевосита жабранувчи (унинг меросхури ёки хукукий ворисига) тулаб берилади.

7.2. Агар сугурта ходисаси содир булганда сугурта товони туловлари бир неча жабранувчи (уларнинг меросхурига ёки хукукий ворис) туланиши керак булса ва уларнинг сугурталовчига билдирган талаблари суммаси сугурта товони миқдоридан ортиқ булса, сугурта товони ҳар бир жабранувчининг барча жабранувчилар (уларнинг меросхурига ёки хукукий ворислари) талабларининг умумий суммасига мутаносиб равишда туланади.

7.3. Агар сугурта килдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси буйича сугурталанган бошқа шахс) жабранувчига етказилган зарарнинг урнини сугурталовчининг ёзма розилиги билан уз хисобидан қопласа, сугурта килдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси буйича сугурталанган бошқа шахс) етказган зарарнинг урнини қоплаш тартибидан узи амалга оширган туловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин сугурталовчи сугурта килдирувчига сугурта туловини тулайди.

Ушбу ҳолат буйича қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- сугурта полиси, зарар етказилган фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йул-транспорт ходисаси тугрисида хулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, улим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);
- мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк ҳатлари, асосий воситалар дафтарида кучирмалар, тулов ҳужжатлари. Хизматлар курсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар. Мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу қабили);
- жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
- марос ҳуқуқини ёки хукукий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхуриларнинг шахсини ёки хукукий ворисларнинг давлат руйхатидан утказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар сугурта товони жабранувчининг меросхурига ёхуд хукукий ворисларига туланиши керак булса)
- Банкнинг тулов амалга оширилганлиги тугрисидаги белгиси қуйилган тулов топшириқномаси нусхаси;

7.4. Сугурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу қабили ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк ҳатлари, асосий воситалар дафтарида кучирмалар, тулов ҳужжатлари. Хизматлар курсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар. Мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу қабили) тасдиқловчи ҳужжатлар (йул-транспорт ходисаси тугрисида хулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, улим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

7.5. Сугурта товонини тулаш сугурталовчининг сугурта товонини тулаш тугрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан 5 иш кўни мобайнида амалга оширилади.

8. РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

8.1. Сугурта килдирувчи зарар етказган шахсга (сугурта килдирувчига, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта шартномаси буйича сугурталанган бошқа шахсга) узи тулаган сугурта тулови миқдоридан қўйдаги холларда регресс тартибидан талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

- А) Мазкур шахснинг касби оқибатида жабранувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган булса;
- Б) Зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идроқига таъсир курсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бешқарилаётганда етказилган булса;
- В) Мазкур шахс узи фойдаланаётганда зарар етказилган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга булмаган булса;
- Г) Мазкур шахсий ул-транспорт ходисаси содир булган жойдан яширинган булса;
- Д) Мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга руҳсат этилган шахс сифатида мажбурий сугурта шартномасига киритилмаган булса (транспорт воситасидан факат мажбурий сугурта шартномасида курсатилган хайдовчилар фойдаланиши шarti билан мажбурий сугурта шартномаси тузилганда);
- Е) Сугурта ходисаси мазкур шахс транспорт воситасидан факат мажбурий сугурта шартномасида назарда тутилган аниқ даврд фойдаланаётганда содир булган булса (транспорт воситасидан мажбурий сугурта шартномасида назарда тутилган даврд фойдаланиши шarti билан мажбурий сугурта шартномаси тузилганда).

8.2. Бунда сугурталовчи мазкур шахсдан сугурта ходисасини куриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилиш ҳақлидир.

9. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки лозим даражада бажарилмаганда сугурталовчи ва сугурта килдирувчи амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги буйича жавобгар булади.

9.2. Ушбу шарънома бажаришда юзага келган низолар ва қелишмовчиликлар тарафлар уртасида музокаралар йули билан ҳал этилади. музокаралар ҳал булмаган тақдирда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| | |
|--|--|
| <p>Сугурталовчи:</p> <p>“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati</p> <p>Жиззах вилоят филиали</p> <p>Н.Кушоков кучаси № 117 уй,</p> <p>Ипотека банк Жиззах вилоят филиали:</p> <p>х/р: 2021 6000 8024 7192 4015,</p> <p>МФО: 00122</p> | <p>Сугурта килдирувчи:</p> <p>Тн:</p> <p>Банк номи:</p> <p>Х/р:</p> |
| <p>ИНН: 202 338 275, ОКОНХ: 96210,</p> <p>ОКПО-16684880</p> <p>Тел: 222-40-23, 222-39-65</p> <p>Сугурталовчи номидан:</p> <p>Б. МУХТОРОВ</p> <p>(Ф.И.О)</p> | <p>ИНН: 205413204 МФО: 00014</p> <p>ОКПО:</p> <p>Тел: 72 222 38 88</p> <p>Сугурталовчи номидан:</p> <p>(Ф.И.О)</p> |